



## Низомиддин Гулбоев

Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тарих институти “Ҳарбий тарихни  
ўрганиш маркази” катта илмий  
ходими, тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD).

E-mail: [nizomiddin.uzb@gmail.com](mailto:nizomiddin.uzb@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17698089>

## ХОРАЗМ ҚЎНҒИРОТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА МАХФИЙ ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ.

**Аннотация.** Хоразмда ҳукмронлик қилган Қўнғиротлар сулоласи даврида махфий хизматнинг ўрни катта бўлиб, улар бевосита давлат хавфсизлигига дахлдор бўлиб, бу хизматга ишончли, ақлли, шу билан бирга ҳарбий кўникмага эга бўлган шахслар жалб қилинган. Улар турли кўринишларда фаолият олиб бориб, давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаганлар. Бу соҳа вакиллари иборат айғокчилик тармоғи давлатга қарши бўладиган воқеа ва ҳодисаларни ўз назоратларига олиб, юз берадиган хавфни бартараф этиш учун ҳаракат қилганлар. Хавф туғдирадиган турли ҳаракатларга давлат миқёсида чора тадбирлар кўрилган. Уларнинг маълумотлари асосида давлат хавфсизлиги таъминланган.

**Калит сўзлар:** Хоразм, Қўнғиротлар, махфий хизмат, бухри, мунҳий, жосус, маҳрам, шиғовул, тилла, тил, хабаргир, бозор, масжид, ясовулбоши.

**Кириш.** Ўзбек давлатчилиги тарихи давомида ўзига хос мураккабликлари билан ажралиб турадиган махфий хизмат тармоғи

тарихи шу кунга қадар асосли тадқиқ этилмаган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Хоразм ҳудудида ҳукмронлик қилган Қўнғиротлар сулоласи (1770 – 1920) даврида ҳарбий бошқарув анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида махфий хизматнинг ўрни алоҳида бўлиб, у давлат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган соҳа ҳисобланади. Бу тизим Хива хонлиги сиёсий воқелигида ҳам муайян даражада ўз ўрнига эга.

Ушбу соҳада фаолият кўрсатганлар турли касб эгалари қиёфасида бозорларда, масжидларда, одамлар гавжум йиғиладиган жойларда, ҳарбий юриш мобайнида ва бошқа жараёнларда одамларнинг давлатга бўлган муносабатини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақида маъмуриятга ахборот бериб турганлар. Айни пайтда махфий хизматга қабул қилишда ўзига хос талаблар бўлган. Баъзи ҳолларда манфаатдор шахсларнинг тавсияси ҳам муҳим рол ўйнаган. Бу тизим сафларига билимли, уддабуррон, эпчил, тил биладиган, жасур, ҳар қандай шароитда ҳам сир бой бермайдиган, одамларнинг дардини тинглай оладиган, вазиятни тўғри баҳолай биладиган, шу билан бирга, давлат ва ҳукмдор манфаатларига содиқ бўлган шахслар қабул қилинган. Гарчи, махфий хизмат ходимларини тайёрлайдиган махсус бўлинмалар мавжуд бўлмасада, улар аксарият ҳолларда ҳарбийлар ёки ишончли шасхлар орасидан танлаб олинган.

**Асосий қисм.** Махфий хизмат ходимлари нафақат мамлакат ичидаги жараёнларни, балки хориждан ташриф буюрган сайёҳ ёки савдогарларни ҳам ўз назоратларига олишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг хатти ҳаракатларини кузатиб, шубҳали ишларини аниқласа, бу ҳақида ўз бошлиқларига хабар бериб турганлар. Ўрта асрларга тегишли турли манбаларда махфий хизмат ходимларининг турлича номланишлари келтириб ўтилади. Жумладан, уларга нисбатан “бухри”, “мунҳий”, “айғоқчи”, “жосус”, “айёр”, “ахборотчи”, “хабаргир”, “кўзчи”, “хуфия” каби атамалар қўлланилган.

Махфий хизмат соҳаси, унинг фаолияти борасида аввалдан мавжуд бўлиб келганлигини бир қанча манбалардаги маълумотлар орқали ҳам билишимиз мумкин. Хусусан, ануштегинийлар даврида махсус айғоқчилар ва жосуслар бўлинмаси фаолият кўрсатганлигини ан-Насавий тасдиқлайди [7;266]. Хусусан, 1231 йил Жалолиддин Мангуберди Ҳилот қамали вақтида силаҳдор Декчакни айғоқчиларга бошлиқ қилиб, Хоразмга мўғуллар тўғрисида маълумот тўплаш учун юборади. Низом ул-мулк ҳам ўз асарида таъкидлашича, жосусларни теварак-атрофга савдогар, сайёҳ, сўфий ва дори сотувчиси қилиб юбориш керак, токи улар барча эшитганларидан хабар бериб турсинлар [4;93]. Шохга бирор воқеанинг хабари эшитилмай қолиши мумкин эмас. Ҳар бир ҳодиса ҳақида унга ўз вақтида хабар берилиб, унга қарши чора-тадбир тезда кўрилиши шартлиги уқтирилади.

Кейинчалик Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида ҳам махфий хизмат ходимлари алоҳида фаолият олиб борганлигини кўриш мумкин. Хусусан, уларнинг бошлиқлари бўлган амир Отламиш ва Масъуд ал-Кухжоний номлари келтириб ўтилади. Ибн Арабшоҳ ўз асарида бу ҳақида маълумот бериб, “у (жосуслар бошлиғи) Темур девони асҳобларининг кўзи эди” дейди [1;71].

Уларнинг фаолияти яна шуниси билан характерланадики, махфий хизмат ходимлари турли мансаб эгаларининг ҳатти-ҳаракатлари, мамлакатда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, маълумотлар тўплаган. Улар нафақат мамлакат ичидаги балки ташқарида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, бу ерга келиб-кетувчи шубҳали ёки чет эллик шахсларни ҳам кузатувга олишганлар. Маълумотларнинг аниқлиги ўз исботини топгач, тўпланган маълумотлар юқори мансаб эгасига етказилган. Айрим тадқиқотларда келтирилишича шиғовулнинг фаолияти бухриларникига яқин бўлган [14;56]. Шиғовул мансаби эгасининг вазифаси ташқи ишларга маъсул ҳисоблансада, бироқ хориждан келганларни қабул қилганда уларни диққат билан кузатиб борган. Ўз навбатида шиғовулга етказилган маълумотлар ясовулбошига ёки вазиятга қараб ҳукмдорнинг ўзига

тақдим этилган. Бухрилар [12;345] хоннинг шахсий айғоқчилари бўлиб, тўғридан-тўғри хон олдига кириб, ахборот бериш ваколатига эга бўлган. Махфий маълумотлар ясовулбошининг маҳкамасида сақланган [17;22, 14;59]. Зарурат туғилганда бу маълумотлар ясовулбоши орқали вазир даражасида бўлган қўшбеги ёки меҳтар билан маслаҳатлашилган. Ўз навбатида бу маълумотлар ўрганилиб чиқилиб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, улар ҳақида хонга хабар берилган.

Хива хонлигига тегишли архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида “бухри” Маҳмудбек ва Болохон номлари аниқланган. Улар хазинадан 20 тилла [18;190] миқдорда маош олиб турганлиги ёзилади [12;345, 19;40]. Берилган маблағ уларнинг эҳтиёжи ва оиласи харажатларини тўлиқ қоплаш учун етарли бўлганлиги сабабли, бу соҳа вакиллари давлатга садоқат билан хизмат қилганлар. “Бухри”ларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги бу соҳанинг тизимли фаолият кўрсатиб келганлигини англатади.

Шермуҳаммад Мунис ўзининг “Фирдавс ул-иқбол” асарида Орол қўнғиротларидан бўлган Тўрамурод сўфининг жосуси саркарда Тошим найман томонидан ушлаб олинганлиги тўғрисида ёзади. Манбада “Бурунги хабарни келтурган киши Тўрамурод сўфининг жосуси эркан. Ҳийла билан қочғунчилар тариқасида келган эрмиш. Тошим наймоннинг сўзи била анинг жосуслиғи субутға етиб, сиёсатға етти” [8;655, 2;303], – дейилади. Маълум бўладики, Тўрамурод сўфи Орол қўнғиротларидан бўлиб, у Қўнғиротлар сулоласи сиёсий тизимиға қарши курашган. Юқорида келтирилган бундай жосуслик тармоғи душман томонидан ҳам давлатнинг ички ишларига аралашиш ва уни пароканда қилиш учун қўлланилган. Лекин бу каби давлатга зарар етказадиган ҳолатларнинг олдини олишда махфий хизмат вакилларининг ўрни катта бўлган. Чунки, улар давлатнинг ичидан емирадиган душманларға қарши мунтазам кураш олиб борганлар.

Муниснинг маълумотига кўра, бир ўринда Тўрамурод сўфи томонидан ёлланган бошқа бир жосусни Одинаиёз оталиқ Қўнғиротдан келаётганда қўлга туширади ва уни Муҳаммад Раҳимхон I (1806 – 1825) нинг даргоҳига келтиради. Бунинг эвазига Одинаиёз оталиқ хон томонидан тақдирланади. Тутиб келтирилган жосуснинг исми Неъмат гаранг дейилиб, хон уни дорга осишни буюради [8;634, 2;294].

Давлат ичида кечаётган воқеаларни тўплаш билан “мунҳий”лар шуғулланиб, ички вазият ҳақида маъмуриятни хабардор қилиб турган. Муниснинг гувоҳлик беришича, 1811 йил 22 сентябрда Хива хонига бўйсунитдан бош тортган Оролликлар учун айрим кишиларнинг ғалла, ем-хашакни яширинча равишда етказаётгани тўғрисида махфий соҳа ходимлари хабар топишган. Бу маълумотларни ўз бошлиқларига маълум қилишган. Бундай ўзбошимчаликнинг олдини олиш мақсадида Муҳаммадниёз карчак, Берди баҳодир ва Убайдулло хўжа бошлиқ махсус бўлинма тартиббузарларга қарши юборилган. Бу ҳақида манбада шундай дейилади: “Ва шанба кечаси ойнанинг тўртида мунҳийлар суддаи хилофаи мулозимлариға хабар еткурдиларким, Оролнинг баъзи авбош ва арозили кечалари кема била Толлиқ рудиға кириб, ул ноҳият мазореидин ғалла ва алаф келтирур эрмиш. Бу жиҳатдин Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва Убайдуллоҳ хўжа баъзи муборизлар била Орол авбошларининг қасдиға маъмур бўлдилар ...” [2;361].

Хоннинг ёнида турадиган ишончли кишилардан яна бири бу “махрам”лар ҳисобланган. Маҳрамлар ички ва ташқиға ажратилган бўлиб, бу уларнинг ишиға қараб белгиланган. Уларға маълум бир ҳарбий бўлинмаларға қўмондонлик қилиш вазифаси топширилиши билан бирга, махфий ишларға ҳам масъул бўлган. Хусусан, Хўжаш маҳрам тўғрисида шундай таъриф берилади: “Хоннинг энг яқин сирдош дўсти, салтанат айвонининг таянч устуни ва давлат бош махфий ишларининг ички маҳрами” [21;217]. Албатта маҳрамлар



ҳукмдорга яқин бўлишлиги билан бир қаторда, ташқаридан келадиган маълумотларни таҳлилдан ўтказиб, етказиб турган бўлишлиги ҳам мумкин.

Шу билан бир қаторда махфий хизмат ходимлари турли савдогар, қаландар ёки бошқа шахслар кўринишларида қўшни давлат ҳудудларида ҳам айғоқчилик ишларини амалга оширган. У ердан тўпланган маълумотларни турли йўллар билан хонликдаги ўзидан юқори турувчи масъулларга етказиб турганлар. Бошқа давлатда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, ўша давлат сиёсатига қарши бўлган кучлар тўғрисида маълумотларни тўплаб, айғоқчилик қилган шахсларга нисбатан “мунҳий” (жосус) номи билан бирга, “хуфия” атамаси ҳам қўлланилган. Бу ҳақида Мунис шундай воқеани келтириб ўтади. 1806 йил 20 мартда Бухоро амири Ҳайдар (1800 – 1826) томонидан Ражаб бий билан Каюв хўжа бошлиқ етти саркардани Хоразмга чаповул (босқин, талон-тарож) қилишга юборган. Бухоро қўшини юришга чиққан вақтида ҳарбий юриш олдидан қаровуллик қилиб боровчи махсус бўлинма юборилган. Бу бўлинмага Отаниёзбек ва Яхшимуродбек бошчилик қилган. Улар 300 та навкар билан Ҳазораспга етиб келган. Айни шу вақтда Хива хони Элтузархон (1804 – 1806) ҳам Бухоро қўшини тўғрисида маълумот тўплаш мақсадида махфий хизматдаги мунҳийларни юборган эди. Воқеалар шуни кўрсатдики, Отаниёзбекнинг махсус бўлинма билан Ҳазораспга етиб келганлиги тўғрисидаги хабар мунҳийлар орқали тўғридан-тўғри хонга етказилган. Бу ҳақида Мунис шундай маълумот беради: “Отаниёзбекнинг чаповулидан бурун жосуслар ва мунҳийлар Ражаббий иноқнинг отланур хабарини келтуруб эрдилар” [8;456]. Хон бу хабарни эшитгач, 1806 йилнинг 31 мартда Бухородан келган Отаниёзбекнинг бўлинмасига қарши ўзининг ишончли махсус қаровуллик гуруҳини юборади. Бироқ бундан хабар топган Бухоро қўшини зудлик билан ортга чекинади.

Махфий хизмат ходимлари ташқи разведка ишларига ҳам масъул бўлган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон I 1812 йил Дашти Қипчоққа

томон ҳарбий юриш уюштиради. Бунинг сабаби, шу ҳудудларда яшаган кўчманчилар томонидан Хива хонлиги ҳудудларига уюштирилаётган талон-тарожлик хуружларини бартараф этиш ва у ерларда хонлик ҳокимиятининг таъсирини кучайтириш эди. Бу вақтда Дашти Қипчоққа Эралихоннинг ўғли Султон Темурхон ҳукмронлик қилаётган эди. Султон Темурхоннинг акаси Бўлакайхоннинг учинчи ўғли Султон Ҳусайн (Чўнг султон) Хоразмга Қозили йўли орқали қариндошларини кўргани келаётган эди. Айти шу пайтда у Муҳаммад Раҳимхон I нинг Дашти Қипчоққа томон юборилган кўшини Чилпиқ қалъасида турганлиги ҳақида хабардор бўлади. Бундан хабар топгач, Султон Ҳусайн дарҳол ўзининг икки мулозимини Султон Темурхонни бу юришдан огоҳлантириш учун юборади. Бироқ йўлда уларни хон томонидан тайинланган ва душманларни кузатаётган махфий хизмат ходимлари, яъни *мунҳийлар* қўлга тушириб, хон олдига олиб келадилар. Бу тўғрисида Мунис шундай ёзади: “Филҳол мулозимларидин икки кишини Султон Темурхонга ахбор учун қайтариб, ўзи даргоҳи гардун иштибоҳ хокбўслиқиға мушарраф бўлди. Мунҳийлар анинг қазокға ахбор учун киши қайтарганин арзға еткуриб, мавқифи жалолдин *такомишга* киши буюрилди. Маъмурлар Чўнг султоннинг (Султон Ҳусайн) юборган кишиларин йўлдин тутуб келтирдилар. Ҳазрат хидеви комкор (Муҳаммад Раҳимхон I) Чўнг султонни хитоб ва итобдин сўнг мулозим ва мусоҳиблари била шаҳарга юбориб, анинг муҳофизатиға киши тайин қилди” [8;865]. Ушбу юришга хон Муҳаммад Ризо қўшбегини махсус бўлинмага бош қилиб, олдинга, яъни хировул қилиб юборган. Уларга Қозили йўлига бориш учун ғажарчи (йўл кўрсатувчи) қилиб Тўрабек қиёт, мулло Давлатназар ва Тайлоқ баҳодирни қўшиб юборилган.

Хонлар томонидан бошқа давлатларга яширинча юборилган махсус жосуслар керакли маълумотларни қўлга киритишда душман тарафнинг ҳарбий юришидан хабардор бўлиш учун у томондан “*тил*” (бирон одам) ни ушлаб келган. Баёний бу фикрнинг тасдиғи

сифатида, Муҳаммад Раҳимхон I томонидан ҳижрий 1237/1822 йилда ёвмут, йимроли ва така навкарларидин йигирмата йигитни тил тутиш учун Бухоро атрофига юборилганлиги ҳақидаги маълумотни келтиради [3;237б, 238-варақ]. Шунингдек, архив ҳужжатларида махфий хизмат ходимлари томонидан хонликдаги бошқа ҳудудларда бўлаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида марказий ҳокимиятга маълумот юбориб турилганлиги ҳақида хатлар учрайди [11;1,2,3,4,5-варақлар].

Махфий хизмат ходимларини айрим ўринларда *ахборотчи* деб ҳам аташган. Бу ном остида улар Хуросонда фаол иш олиб боришган. Ахборотчилар ҳар қандай хабарни ўз вақтида, турли йўллар билан Хивадаги юқори лавозимли амалдорлар бўлган меҳтар ёки қўшбегига етказиб туришган. Хусусан, Оллоқулихон (1825 – 1842) томонидан Марвга қилинган юришда Ҳасанмурод маҳрамни Ҳиротга, Солих шайхни Муҳаммадхон қаролига, жамшид ва аймоқ ҳокими Исломбекка, Сарахсдаги солур уруғига Ўроз Али баҳодирни ахборотчи қилиб юборади. Бу ҳақида Баёний шундай ёзади: “Ҳасанмурод маҳрамни ул тарафга этгон аъзамлорининг аъломи учун Ҳиротга йибордилор ва Солих шайхни Муҳаммадхон қаролига ул тарафга юрушлорининг ахбори учун йибордилор, жамшид ва аймоқ ҳокими Исломбекка ва Сарахсда ултурғон солурга Ўроз Али баҳодирни йибордилор. Човдурга изда юруб лашкарнинг муҳорасатин этмакни буюрдилор”. Ҳукмдорлар қўшинга бош бўлиб ҳарбий юришга чиқаётганда турли ҳудудлар ҳақида маълумот тўплаш, қўшин сафига навкар йиғиш учун ахборотчилардан фойдаланганлиги кўрамиз. Ахборотчи махфий маълумотларни тўплаш билан бир қаторда, айрим ҳолларда хавфсизлик ва ишонч нуқтаи назаридан ҳукмдорнинг буйруқларини ҳам етказганлиги кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Муҳаммад Раҳимхон I томонидан 1812 йил Дашти Қипчоққа юришдан олдин маълумот тўплаш учун *хабаргирлар* юборилган. Манбада, шундай *хабаргирлардан* бўлган Қандим баҳодир, қўнғирот уруғидан Паноҳ баҳодир, Давлатназар юзбоши



валади Ўрунбой, Султон кенагас, Тўрабек қиётнинг ўн киши билан Ҳасан қалъаси томон юборилганлиги қайд этилади [8;869].

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакат ичида юрган айғоқчилар кўп ҳолларда бевосита хоннинг ўзига ҳам тўғридан-тўғри ахборот етказиб турган. Бу ҳақида Лаффасий ўзининг асарида шундай дейди: “Муҳаммад Раҳимхон томонидан махфий айғоқчилар бор бўлиб, воиз ҳар нима сўзласа, бориб хон хизматида тақрир қилур эрдилар” [9;95]. Бундай айғоқчилар хон топшириғи билан, асосан, айрим давлат амалдорларини кузатувга олишган. Хусусан, Бош вазир Исломхўжа (1907 – 1913) масжидга намоз ўқигани келганда, Муҳаммад девон ўғли Отаниёз девон унинг тагига катта бир гилам тўшаган. Бундан кўрган масжид имоми Юсуф Ҳожи уни қаттиқ танқид қилган. Намоздан кейин Исломхўжа Муҳаммад Раҳимхон II (1864 – 1910) ҳузурига бориб, имомдан шикоят қилган. Бироқ хон бош вазирга ҳеч нарса демай, имомга бир тўн ва маҳси ковуш бериб юборган. Бундан шуни англаш мумкинки, бунга қадар воқеадан хон ўз жосуслари орқали хабардор бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек махфий хизмат тизимида хонлик маъмурий бошқарув поғонасидаги турган *шиғовул* мансаби эгаси ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Болтажон Сафаровнинг гувоҳлик беришича, XX аср бошларида хонликда шиғовулбеги мансаби хорижий элчиларни қабул қилиш ва улар билан музокаралар олиб бориш ишларига мутасадди бўлган [6;14]. Бошқа хонликларда ҳам бу мансаб эгаси деярли бир хил вазифани бажарган. Хусусан, Қўқон хонлигида шиғовул ташқи ишларга масъул ҳисобланган [5;460, 16;121]. У нафақат чет эллик элчиларни кутиб олган, балки улар устидан кузатувни ҳам амалга оширган. Бу мансаб эгаси ажнабий элчиларни қабул қилиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланиш ишларига раҳбарлик қилиш баробарида, ўз одамлари орқали улар устидан айғоқчилик ишларини ҳам бажарганлар [13;64].

Юқорида таъкидланганидек, шиғовуллар ҳарбий ҳаракатларда ҳам фаол иштирок этишган. Баёнийнинг маълумотида Шохмурод

шиғовул юзбоши [3;256 б-варақ] ва Иброҳим шиғовул номи эсга олинб, унинг навкарлари борлиги таъкидлаб ўтилиб, “... Иброҳим шиғовул ва Вайс Ниёз дарға ва Бекфулод юзбоши ва Муҳаммад Мурод юзбоши ва Холмурод юзбоши ва Юсуф оталиқни оларнинг ўзларига мутаълиқ навкарлари била ...”, – тарзидаги қайд мавжуд [3;293-варақ]. Бу маълумотлар шиғовулларнинг вазифаси саройда мулозимлик, ҳарбий саркардалик ва айна пайтда махфий хизматга раҳбарлик қилиш бўлганлигини кўрсатади.

Архив ҳужжатлари маълумотига кўра, хонликда “шиғовул пули” [15;93] деган солиқ тури йиғиб олинган. Бу солиқ тури асосан, элчиларни кутиб олиш, уларни таъминлаш ва кузатиб қўйишга ишлатилган. Қолаверса, шиғовуллар давлатдан 15 тилла миқдорда маош ҳам олиб турганлар [10;4-варақ].

Хонликка келган хорижликлар бу ерни ўрганиш мақсадида турли жосуслик ишларини ҳам амалга оширганлар. Хусусан, 1842 йилда Хива хонлигига Россия империяси элчилари келади. Уларнинг ичида топограф Г.Н. Зеленин ҳам бўлиб, ўз навбатида унга шаҳар планини чизиш вазифаси топширилган [22;216]. У бозордан икки дона қовун сотиб олиб, одамлардан маҳалла, кўча, масжидлар номини сўраб, олган қовунларига пичоқ билан махсус белги қўйиб борган ва уни кечкурун қоғозга тушириб олганлиги тўғрисида К.Худойберганов ўз тадқиқотида айтиб ўтади [20;318]. Бундан шуни англаш мумкинки Хивага келган сайёҳ, турли савдогар қиёфасидаги ёки бошқа шахсларнинг мақсади бу ерни яхшилаб ўрганиш ҳамда маълумот йиғишдан мақсади, келажакдаги режаларини амалга ошириш учун керак бўлган.

**Хулоса.** Хонликда махфий хизматнинг ўрни катта бўлиб, бу давлат хавфсизлигини таъминлаш ишининг таркибий қисми ҳисобланган. Шу хизмат вакиллари турли кўринишларда ҳаракат қилиб, давлат фойдасига маълумот йиғиб, уни ўзидан юқори мансаб эгаларига ёки бевосита хоннинг ўзига етказиб турганлар. Бу хизмат вакиллари турли номлар билан юритилиб, кўп ҳолларда уларнинг асл

исми сир тутилган ва турли лақаблар билан аталган. Хонга яқин ҳисобланган маҳрамлар ҳам ўзига хос махфий хизмат вакиллари вазифасини бажарган. Улар айрим ҳолларда ўз вазифаси доирасида саройда бўлаётган воқеаларни хонга етказиб турган. Россия империяси томонидан Хива хонлиги босиб олингач, хонликда маъмурий ва ҳарбий соҳада анча чекловлар жорий этилди. Бироқ хонликларда махфий хизмат ходимларини тайёрлайдиган махсус таълим даргоҳларнинг шаклланмаганлиги, махсус қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги, маъмурий ва ҳарбий соҳа билан аралашиб кетганлиги унинг алоҳида фаолият олиб боришида маълум бир тўсиқларни вужудга келтирар эди. Лекин шундай бўлсада, махфий хизмат ходимлари бу вақтда ҳам ўз фаолиятларини тўхтатишмаган.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўзбоши, араб тилидан таржима изохларни У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Тошкент: “Меҳнат”, 1992. – Б. 71.
2. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010.
3. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 9596.
4. Низом ул-мулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изохлар муаллифлар Ш.Воҳид, А.Эркинов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2019.
5. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул Хавоқин (Тарихи Шаҳрухий) / Тожик тилидан таржимон, ўзбек тилидан табдил Ш.Воҳидов. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2014.
6. Сафаров Б. Хоразм тарихи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 10231.

7. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти / К.Матёқубов таржимаси. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2006.
8. Shīr Muḥammad Mīrāb Munis and Muḥammad Riżā Mīrāb Āgahī. Firdaws al-iqbāl. Edited by Yu.Bregel. – Leiden, New York, Keln, 1988.
9. Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч, 1992.
10. Ўзбекистон Миллий архиви. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 528-йиғмажилд, 4-варақ.
11. Ўзбекистон Миллий архиви. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 266-йиғмажилд, 1,2,3,4,5-варақлар.
12. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари / М. Йўлдошев таҳрири остида. II том. – Тошкент, 1960.
13. Абдурасулов А. Хива (Тарихий-этнографик очерклар). – Тошкент, 1997.
14. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006.
15. Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги Қорақалпоқ тарихидан (Хива давлат ҳужжатлари асосида). – Тошкент, 1986.
16. Маҳмудов Ш.Ю. Шиғовул институтини Қўқон хонлигининг дипломатик муносабатларидаги функцияси // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси. Нукус, “Илим”, 2019. №4 (257).
17. Раҳмонова Ю. Хива тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Akademnashr”, 2019.
18. Туркестанский сборник. Том 336. – СПб., 1883. – С. 190.
19. Умид Бекмуҳаммад. Ҳарбий ҳийлалар. – Тошкент, 2008.
20. Худойберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент, 2012.
21. Худойберганов К. Хоразм хонлар / Масъул муҳаррир А. Аҳмедов. – Тошкент: “Akademnashr”, 2019. – Б. 217.

22. Холиқов Қ., Худойберганов К. Хоразм Қўнғирот иноқлари шажараси. – Тошкент: “Akademnashr”, 2021.

## THE ROLE OF THE SECRET SERVICE DURING THE KHOREZM QUNGRAT DYNASTY.

**Abstract.** During the reign of the Qungrat dynasty in Khorezm, the state secret service, which directly ensured state security, took an important place, involving reliable, knowledgeable, and military skilled personnel. They conducted their activities in various spheres and ensured the internal and external security of the state. A spy unit, composed of service representatives, was responsible for identifying events and things directed against the state and working to eliminate potential threats. Based on the information provided by service personnel, measures were taken against threats. Thanks to their activities, state security was ensured.

**Key words:** Khorezm, Qungrats, secret service, bukhri, munhi, jasus, mahram, shigavul, tilla, til, messenger, bazaar, mosque, yasavulbashi.

## РОЛЬ СЕКРЕТНОЙ СЛУЖБЫ ВО ВРЕМЕНА ДИНАСТИИ КУНГИРАТ В ХОРЕЗМЕ.

**Аннотация.** В период правления династии кунгратов в Хорезме важное место занимала государственная секретная служба, непосредственно обеспечивавшая государственную безопасность, в которую привлекались надежные, обладающие глубокими знаниями и военными навыками люди. Они вели свою деятельность в различных сферах и обеспечивали внутреннюю и внешнюю безопасность государства. Отделение лазутчиков, состоящее из представителей службы, отвечало за выявление событий и явлений, направленных против государства, и работало над устранением потенциальных угроз. Основываясь на информацию, представленной сотрудниками службы на государственном уровне принимались меры против опасных явлений. Благодаря их деятельности обеспечивалась государственная безопасность.



Ключевые слова: Хорезм, Кунграты, секретная служба, бухри, мунхи, жосус, махрам, шигавул, тилла, тил, гонец, базар, мечеть, ясавулбаши.